



Objects and types of investigative inspection actions

Alisher IMOMNAZAROV¹

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received September 2024

Received in revised form

15 October 2024

Accepted 25 October 2024

Available online

25 December 2024

Keywords:

inspection,
objects of inspection,
types of inspection,
digital data,
vehicles.

ABSTRACT

This article focuses on the issues of determining the objects and types of investigative inspection in criminal proceedings. The author analyzes the role of correctly identifying the grounds, objects, and types of inspection in the effective investigation of a criminal case and making a lawful decision. The study examines the scientific and theoretical views of domestic and foreign scholars on this issue and identifies problems encountered in practice. In particular, it is proposed to legally enshrine digital data and vehicles as objects of inspection. Furthermore, the author develops original definitions of inspection types, including initial, additional, and repeated inspections, and substantiates the need for legislative consolidation of the grounds for conducting them. The article puts forward a number of proposals aimed at further improving the procedural order of inspection.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss11/S-pp541-554>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Кўздан кечириш тергов ҳаракати объектлари ва турлари

Калит сўзлар:

кўздан кечириш,
кўздан кечириш
объектлари,
кўздан кечириш турлари,
рақамли маълумотлар,
транспорт воситалари.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола жиноят ишини юритишда кўздан кечириш тергов ҳаракатининг объектлари ва турларини белгилаш масалаларига бағишланган. Муаллиф кўздан кечиришни ўтказиш асослари, унинг объектлари ва турларини тўғри аниқлашнинг жиноят ишини самарали тергов қилиш ва қонуний қарор қабул қилишдаги ўрнини таҳлил қилган. Тадқиқот жараёнида миллий ва хорижий олимларнинг мазкур масалага оид илмий-назарий қарашлари ўрганилган, шунингдек амалиётда учраётган муаммолар аниқланган. Хусусан, рақамли маълумотлар ва транспорт

¹ Independent researcher, Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan. Tashkent, Uzbekistan.

воситаларини кўздан кечириш объектлари сифатида қонунчиликда мустақамлаш таклиф этилган. Бундан ташқари, кўздан кечириш турлари, жумладан дастлабки, кўшимча ва қайта кўздан кечириш тушунчаларига муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган ҳамда уларни ўтказиш асосларини қонунчиликда белгилаш зарурати асосланган. Мақолада кўздан кечиришнинг процессуал тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклифлар илгари сурилган.

Объекты и виды следственного действия осмотра

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

осмотр,
объекты осмотра,
виды осмотра,
цифровые данные,
транспортные средства.

Данная статья посвящена вопросам определения объектов и видов следственного действия осмотра при производстве по уголовному делу. Автор анализирует роль правильного определения оснований, объектов и видов осмотра в эффективном расследовании уголовного дела и принятии законного решения. В ходе исследования изучены научно-теоретические взгляды отечественных и зарубежных ученых по данному вопросу, а также выявлены проблемы, возникающие на практике. В частности, предложено законодательно закрепить цифровые данные и транспортные средства в качестве объектов осмотра. Кроме того, разработаны авторские определения видов осмотра, включая первоначальный, дополнительный и повторный осмотры, а также обоснована необходимость законодательного закрепления оснований для их проведения. В статье выдвинут ряд предложений, направленных на дальнейшее совершенствование процессуального порядка осмотра.

Тергов ҳаракатларининг алоҳида тури сифатида кўздан кечиришни самарали ташкил этиш ва уни ўтказишнинг муҳим шарти кўздан кечириш объектларини тўғри аниқлаш ҳамда процессуал ҳаракатларни қонунда белгиланган тартибда амалга ошириш ҳисобланади. Чунки кўздан кечириш тергов ҳаракатида жиноят иши бўйича энг дастлабки ва ишни очишга хизмат қиладиган маълумотлар аниқланади ҳамда ушбу маълумотлар иши бўйича қонуний қарор қабул қилишга ёрдам беради.

М.Р. Чўтбаев ҳам мазкур масалага тўхталиб, тергов ҳаракати сифатида кўздан кечиришни далил тушунчасига боғлаб, иш бўйича ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган ёки бермаганлигини, мазкур қилмишни содир этган шахснинг айби мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаш учун моддий объектларнинг ўзига хос хусусиятларини кузатиш орқали маълумотлар тўплашга йўналтирилган ҳаракат ҳисобланиши ҳамда кўздан кечириш объектларини тўғри аниқлаш лозимлигини қайд этган [1, С. 226].

Мазкур фикр билан келишган ҳолда айтиш мумкинки, кўздан кечириш тергов ҳаракатининг алоҳида тури сифатида ўтказиш асослари ҳамда ўзининг алоҳида объектларига эга. Хусусан, кўздан кечириш тергов ҳаракати ва уни амалга

оширишнинг процессуал тартиби ва шартлари, кўздан кечириш асослари ва объектлари (турлари) уни ўтказишга оид процессуал ҳаракатлар Жиноят-процессуал кодексининг 16-бобида белгилаб қўйилган.

Жиноят-процессуал кодексининг 135-моддасида кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш учун асослар ҳамда кўздан кечириш тергов ҳаракатининг турлари белгилаб қўйилган.

Бунда жиноят изларини ва ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ҳамда ишни ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш зарурияти юзага келган тақдирда кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказилади [2]. Демак, юқорида назарда тутилган ҳолатлар юзага келган тақдирда кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказилади.

Айрим муаллифлар ҳам жиноят изларини, ашёвий далилларни қидириб топишни, ҳодиса содир бўлган вазиятни аниқлаштиришни ҳамда иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларга аниқлик киритишни кўздан кечириш тергов ҳаракатининг асоси сифатида қайд этишган [3, С. 226]. Бошқа бир гуруҳ муаллифлар эса, кўздан кечиришда жиноят изларини, ашёвий далилларни топишни, ҳодиса содир бўлган вазиятни аниқлаштиришни ушбу тергов ҳаракатининг мақсадида сифатида таъкидлашади [4, С. 161].

Мазкур фикрларни таҳлил қиладиган бўлсак, бу ерда иккинчи тоифа муаллифларининг фикрлари билан келишиб бўлмайди. Чунки ҳар қандай тергов ҳаракатида бўлган сингари кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишдан мақсад иш бўйича далилларни тўплаш ҳисобланади. Далилларни тўплаш учун эса маълум бир асослар юзага келиши талаб этилади.

Е.С. Лапин ҳам иш бўйича изларни топиш, жиноят содир этилган ҳолатни аниқлаштириш, бошқа ишга алоқадор вазиятларни аниқлашни кўздан кечириш тергов ҳаракатининг мақсади сифатида қайд этган [5, С. 156 (214 С)].

Кўздан кечириш ўтказиш учун эса жиноят изларини ва ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ҳамда ишни ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни (ҳодиса тафсилотлари ва унинг оқибатларини) аниқлаш асос ҳисобланади. Бунда, жиноят изларини ва ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ҳамда ишни ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш орқали далилларни тўплаш кўздан кечириш тергов ҳаракатининг мақсадини ташкил этади.

Кўздан кечириш тергов ҳаракатини қайси асосга кўра ўтказиш ушбу тергов ҳаракатининг объектларига ҳамда турларига боғлиқ ҳисобланади.

Юридик адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар кўздан кечириш объектлари ва турлари бўйича бир қатор ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирганлар. Кўздан кечириш тергов ҳаракати объектларига аниқланиши ва текширилиши лозим бўлган предметлар ёки тирик жисмлар киради.

Кўздан кечириш объектлари (турлари) бўйича бир қатор муаллифлар қуйидагиларни ажратиб кўрсатишади: изларни текшириш” [6, С. 389]; ҳайвонлар ва уларнинг жасадларини текшириш; транспорт воситаларини текшириш; машиналар ва механизмлар, сув ва ҳаво муҳити, ҳашаротлар, ўсимликлар, асори-атиқалар; энергия иншоотлари [7, С. 129]; “тирик одамларни текшириш [8, С. 212].

Кўздан кечириш турларига объектларни кўздан кечиришни ҳам киритиш мумкин. Жиноятга алоқадор нарса ва ҳужжатларни улар топилган жойда ёки кўп вақт, техник воситалар талаб қилса бошқа жойда кўздан кечирилади [9, С. 144].

Мазкур муаллифларнинг фикрларини таҳлил қиладиган бўлсак, кўздан кечириш тергов ҳаракатларининг объектлари тўлиқроқ кўрсатиб берилгани диққатга сазовор. Бироқ, ушбу берилган фикрларда кўздан кечиришнинг кенг тарқалган тури ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани кўздан кечириш ҳолатлари объект сифатида кўрсатилмаган. Шунингдек, биз моддий дунё объектларининг (кўздан кечириш турларини) криминалистик мақсадлар учун ҳаддан ташқари бўлакларга бўлинишига қаршимиз. Изларни текшириш (моддий излар) объектлар, ҳужжатлар, ер участкалари ёки биноларни текширишдан алоҳида тур ҳисобланмайди.

Миллий олимларимиз ҳам кўздан кечириш объектлари ҳақида тўхталиб, турли хил фикрларни илгари суришган. Д.Миразов ҳам кўздан кечириш объектларига тўхталиб, ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарса ва ҳужжатлар кўздан кечириш объектларига киритиб, бунда муаллиф мазкур кўздан кечириш объектларини кўриқдан ўтказиш, яъни кўриш, қўл билан ушлаш, ҳидлаш, кузатиш орқали билиш ва қайд этиш мумкин деган фикрларни илгари суради [10, С. 183].

Шунга ўхшаш фикрларни Ш.Файзиев ҳам илгари сурган бўлиб, у кўздан кечириш тергов ҳаракатининг объектларига ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарса ва ҳужжатларни киритишни таклиф этади [11, С. 161].

Мазкур муаллифларнинг берган фикрларида кўздан кечириш тергов ҳаракатининг объектлари тўлиқ кўрсатилган деб бўлмайди. Хусусан, тирик одам, почта-телеграф жўнатмалари, транспорт воситалари кўздан кечириш объектлари сифатида кўрсатилмаган. Чунки тергов амалиётида кўздан кечириш тергов ҳаракатининг алоҳида қисмлари сифатида тирик одам, почта-телеграф жўнатмалари ҳамда транспорт воситалари ва уларнинг қисмлари ҳам кўздан кечирилмоқда.

Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг объектлари бўйича нисбатан тугал фикрларни М.Р. Чўтбаев илгари сурган. Хусусан, муаллиф кўздан кечириш тергов ҳаракатининг объектлари сифатида ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атроф ва бинони, нарсалар ва ҳужжатларни, тирик одамни, почта-телеграф жўнатмаларини қайд этган [12, С. 226].

Шуни қайд этиш керакки, тирик одам кўздан кечириш тергов ҳаракатининг объекти сифатида кўздан кечирилганда алоҳида мустақил тергов ҳаракатлари ҳисобланган гувоҳлантириш ҳамда экспертиза тергов ҳаракатига қўйилган қоидалар қўлланилади. Почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш эса тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракатлари таркибига киритилган почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш жараёнида белгиланган талаблар асосида амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, миллий олимларимизнинг кўздан кечириш тергов ҳаракати объектлари бўйича фикрларидаги умумий ўхшашлик ушбу объектларни белгилашда жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган объектлардан келиб чиқишида намоён бўлади. Д. Миразов, Ш. Файзиев ва М. Чўтбаевлар таклиф этган кўздан кечириш объектлари Жиноят-процессуал кодексининг 135-моддасида ўз ифодасини топган.

Шунингдек, мазкур муаллифлар томонидан илгари сурилган кўздан кечириш объектларида транспорт воситалари ҳамда рақамли маълумотлар кўздан кечириш объектлари сифатида назарда тутилмаган.

Жинойт содир этилганда транспорт ҳам жиноят ҳақида маълумот бериши мумкин бўлган предметлардан бири ҳисобланади. Чунки унинг маълум бир нарсага (бошқа автотранспорт воситасига, уйларга, тўсиқларга) урилиши натижасида ўзидан излар қолдириши мумкин. Бундай ҳолатларда фотосуратга олиш, режа чизиш, схема ва албатта баённома учун керак бўлади [13, С. 336].

Автотранспорт воситаларини кўздан кечириш маълум бир кетма-кетликда амалга оширилади. Дастлаб транспорт воситаларига тегишли бўлган маълумотлар текширилади.

Хусусан, автотранспорт воситасининг маркаси, тури, ранги, унга тегишли бўлган ўзига хос белгилар, рақами, жиноятга алоқадор бўлган изларнинг, яъни инсонга тегишли бўлган қон, соч, кийим бўлаклари, жабрланувчига тегишли бўлган буюмлар, тана қисмлари ёки уларга тегишли моддалар, микрозарралар мавжудлиги текширилади. Транспорт воситаси кўздан кечирилаётганда унинг олд қисмидан бошлаб пастдан тепага қараб кўздан кечирилади.

Транспорт воситасининг бампери, фараси, ён чироқлар, йўналиш кўрсаткичлари, олд ойна, радиатор панжараси, машина капоти, олд машина қанотлари зарба, қон, соч аломатларини аниқлаш мақсадида кўздан кечирилади. Шундан сўнг автоуловнинг пастки қисми кўздан кечирилади. Унда транспорт воситасининг юриш қисми (ходовой часть) кўздан кечирилади. Кўл изларини эса бошқарув рули устида, асбоблар панелидан олиш мумкин. “Ҳид изларини эса ўриндиқдан топиш мумкин бўлади [14, С. 76].

Юқоридагиларни инобатга олиб, фикримизча, транспорт воситасини кўздан кечириш – транспорт воситасида жиноятга алоқадор изларнинг, ашёвий далилларнинг мавжудлиги, транспорт воситасининг тури, тегишлилигини аниқлаш, етказилган шикаст даражасини аниқлашга қаратилган кўздан кечиришнинг бир туридир.

Бугунги кунда йўл-транспорт ҳодисаларининг кўплаб содир этилиши ёки транспорт воситаларининг жиноят қуроли ёхуд жиноят содир этишга ёрдам берувчи восита сифатида жиноят содир этишда фойдаланилиши ортиб бормоқда. Бундай ҳолатларда транспорт воситасини кўздан кечириш тергов ҳаракатини амалга оширилади.

Мисол учун, Олий суд томонидан тақдим этилган статистик маълумотларга кўра судлар томонидан 2023 йилда 3 325 та йўл ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш (Жиноят кодексининг 266-моддаси) жиноятлари кўриб чиқилган [15].

Тадқиқот давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари ўртасида ўтказилган сўровномадаги “ЖПК 135-моддасида кўздан кечириш объектлари рўйхатига “транспорт воситаларини” киритиш лозим деб ҳисоблайсизми?” деган саволга унда иштирок этган 291 нафар респондентларнинг 93,8 фоизи “Ҳа. Бу замон талабларига жавоб беради” мазмунидаги жавобни беришган [16].

Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда фикримизча, Жиноят-процессуал кодексининг 135-моддасига кўздан кечириш объекти сифатида **транспорт воситасини** ҳам киритиш таклиф этилади.

Шунингдек, ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши рақамли маълумотлар, уларни олиш усуллари ва улардан жиноят ишида фойдаланишни заруриятга айлантормоқда. Бироқ амалдаги қонунчилигимизда рақамли (электрон) маълумотлар, уларни олиш усуллари ва кўздан кечириш тартиби назарда тутилмаган.

Жиноят ишларини тергов қилишда терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари турли электрон ёки бошқа ахборотларга дуч келишмоқда ҳамда ушбу маълумотлар ишни ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга эка бўлмоқда.

Хусусан, рақамли маълумотлар матнли, график ахборотлар, фото-, аудио-, видеоёзувлар, ахборот тизимлари, веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар, уларнинг метамаълумотлари электрон шаклларда учрамоқда. Ушбу маълумотлар эса рақамли далиллар ҳисобланади.

Шон Гудисон, Роберт Девис ва Жаксон Брайн каби муаллифлар рақамли далилларга шахслар ёки ҳодисаларнинг вақт ва муҳитдаги сабабий боғланишларини аниқлашга қаратилган ахборотларни киритиб, уларни кенг доирадаги хусусиятларга эга бўлишини, уларни олиш ўзига хос таъсирчан, мобил ва моддий далилларга нисбатан махсус тайёргарлик ва воситаларни талаб қилишини қайд этишган [17, С. 45].

И. Астанов ҳамда Б. Хамидов каби муаллифлар ушбу фикрлар билан тўлиқ келишиб бўлмаслиги, ушбу таъриф умумий хусусиятга эга бўлиб, уни анъанавий далил турларига нисбатан ҳам қўллаш мумкинлигини, унда рақамли далилларга хос бўлган хусусиятлари етарлича акс этмаганлиги таъкидлаб ўтишган [18].

Бугунги кунда жиноят-процессуал қонунчиликда рақамли (электрон) маълумотлар кўздан кечириш объекти сифатида белгиланмаганлиги ҳамда уларни кўздан кечиришнинг аниқ процессуал тартиби мавжуд эмаслиги сабабли, тергов амалиётида жиноят иши доирасида улардан фойдаланишда муаммолар юзага келмоқда.

Тадқиқот давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари ўртасида ўтказилган сўровномадаги *“ЖПК 135-моддасида кўздан кечириш объектлари рўйхатида “рақамли маълумотларни” киритиш лозим деб ҳисоблайсизми?”* деган саволга унда иштирок этган 291 нафар респондентларнинг 93,8 фоизи *“Ҳа. Бу замон талабларига жавоб беради”* мазмунидаги жавобни беришган [19].

Мазкур салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида Жиноят-процессуал кодексининг 135-моддасига кўздан кечиришнинг алоҳида объекти сифатида **“рақамли маълумотларни”** ҳам киритиш таклиф этилади.

Демак, юқоридаги олимларнинг илмий-назарий қарашлари, тергов амалиёти натижаларидан келиб чиқиб, кўздан кечириш тергов ҳаракатининг объектларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ҳодиса содир бўлган жой;
- мурда ва унинг қисмлари;
- ҳайвон, унинг жасади ёки улардан қолган излар;
- теварак-атроф ёки бинолар;
- нарса ва ҳужжатлар;
- транспорт воситалари;
- рақамли маълумотлар.

Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг турлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, юридик адабиётларда кўздан кечириш тергов ҳаракатининг турларини таснифлаш бўйича ягона фикр мавжуд эмас. Кўздан кечириш тергов ҳаракатини турларга бўлиш тергов ҳаракати объектидан келиб чиқади.

Р.С. Белкин ва Е.П. Ищенко каби муаллифлар кўздан кечириш тергов ҳаракатининг турларини таснифлаш учун асослардан бири кўздан кечириш объектлари ҳисобланишини ҳамда бундай текширув турлари одатда ҳодиса содир бўлган жойни, теварак-атрофни, ҳужжатларни, мурдани, ҳодиса жойи бўлмаган ҳудудларни ва биноларни кўздан кечириш тергов ҳаракатининг тури сифатида ажратиб кўрсатишган [20, С. 212].

Мазкур муаллифларнинг кўздан кечириш объектларидан келиб чиқиб, кўздан кечириш тергов ҳаракатини алоҳида турларга ажратишини эътироф этиш лозим. Бироқ, берилган юқоридаги фикрларда кўздан кечиришнинг турлари тўлиқ кўрсатилмаганлиги учун ҳам ушбу муаллифларнинг фикрлари билан тўлиқ келишиб бўлмайди.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, Р.С. Белкин ва Е.П. Ищенко каби муаллифларнинг таснифида кўздан кечириш тергов ҳаракатининг “транспорт воситаларини” ҳамда “рақамли маълумотларни” кўздан кечириш турлари назарда тутилмаган.

Миллий олимларимиздан Д.М. Миразов ҳам кўздан кечириладиган объектларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, кўздан кечириш тергов ҳаракатининг тартиби фарқланишини ҳамда шу асосга кўра турларга ажратилишини қайд этиб, кўздан кечиришнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатган:

- ҳодиса содир бўлган жой
- мурда;
- теварак-атроф ва бинолар;
- ҳайвонлар;

нарс ва ҳужжатлар [21, С. 183].

Д.М. Миразовнинг кўздан кечириш тергов ҳаракатини унинг объектларидан келиб чиқиб турларга бўлганлик ҳолати билан тўлиқ келишиш мумкин. Чунки кўздан кечириладиган объект ва унинг хусусиятидан келиб чиқиб, кўздан кечиришда алоҳида қоидалар белгиланади ҳамда ушбу қоидалар мазкур тергов ҳаракатини алоҳида турларга ажратишга хизмат қилади.

Шунингдек, Д.М. Миразов томонидан берилган кўздан кечириш тергов ҳаракатининг турлари бўйича фикрининг яна бир ўзига хос жиҳати унинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган кўздан кечириш турларига мослиги билан характерланади. Яъни у томонидан берилган кўздан кечириш тергов ҳаракатининг турлари Жиноят-процессуал кодексининг 16-бобида ҳам белгилаб қўйилган.

Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 135-моддасида назарда тутилган кўздан кечириш объектларидан келиб чиқиб, кўздан кечириш тергов ҳаракатининг қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш (ЖПКнинг 137-моддаси);
- 2) мурдани кўздан кечириш (ЖПКнинг 138-моддаси);
- 3) теварак-атроф ва бинони кўздан кечириш (ЖПКнинг 139-моддаси);
- 4) нарс ва ҳужжатларни кўздан кечириш (ЖПКнинг 140-моддаси).

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодекси 135-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалардан келиб чиқиб, тирик одамни ҳамда почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечиришни ҳам кўздан кечириш тергов ҳаракатининг турлари сифатида эътироф этиш мумкин.

Д.Б. Базарова ва И.Р. Астановлар ҳам объектига кўра кўздан кечиришни турларга ажратиш Жиноят-процессуал кодексининг 16-бобида белгиланган қоидалардан келиб чиқишини қайд этиб, унинг турлари сифатида қуйидагиларни ажратиш кўрсатишган:

- тирик шахсларни гувоҳлантириш;
- ҳайвонлар ва уларнинг жасадларини кўздан кечириш;
- шахсларнинг сўзлашувларни назоратга олиш ҳамда ёзиб олинган аудиоёзув кассеталарини кўздан кечириш;
- хатлаб қўйилган почта-телеграф хабарларини кўздан кечириш;
- нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш;
- теварак-атроф ва биноларни кўздан кечириш;
- мурдани кўздан кечириш;
- ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечириш [22, С. 133].

Фикримизча ҳам, кўздан кечириш тергов ҳаракатини турларга бўлишда Жиноят-процессуал кодексининг 16-бобида белгиланган кўздан кечириш объектларига таяниш ўринли ҳисобланади. Шунга кўра, Д.Б. Базарова ҳамда И.Р. Астановларнинг кўздан кечириш тергов ҳаракатини объектига кўра турларга бўлишга оид фикрлари билан тўлиқ келишиш мумкин.

Шу билан бирга, мазкур муаллифларнинг кўздан кечириш тергов ҳаракатларининг турлари бўйича таснифи ҳам кенгроқ бўлиб, кўздан кечиришни тўлиқ қамраб олишга қаратилган.

Кўриб турганимиздек, мазкур моддаларда ҳам кўздан кечиришнинг кенг тарқалиб бораётган турлари, яъни рақамли маълумотларни кўздан кечириш ҳамда транспорт воситаларини кўздан кечириш назарда тутилмаган.

Юқоридаги таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, кўздан кечириш тергов ҳаракатининг объектларини аниқ белгилаш мақсадида **Жиноят-процессуал кодекси 135-моддасининг биринчи қисмига** кўздан кечириш тергов ҳаракатининг алоҳида объектлари сифатида **транспорт воситалари ва рақамли маълумотларни** киритиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, криминалистик адабиётларда кўздан кечиришнинг дастлабки, қўшимча ва қайта кўздан кечириш турлари ҳам ажратиш кўрсатилади [23, С. 92-94]. Аксарият миллий юридик адабиётларда ҳам олимларимиз ҳам кўздан кечириш турларини дастлабки, такрорий ва қўшимча сингари турларга ажратишган [24, С. 194].

Шуни ҳам қайд этиш керакки, кўздан кечириш тергов ҳаракатини мазкур турларга ажратишда муаллифлар томонидан уни айнан қайси мезонларга кўра бўлишгани кўрсатилмаган. Бу уларни таснифларга бўлишда қийинчиликларни юзага келтириши мумкин.

А.И. Деревянко ва В.И. Езикян каби муаллифлар эса, кўздан кечириш тергов ҳаракатини қуйидаги мезонлар бўйича турларга ажратади:

1. Кўздан кечириш объекти бўйича:
 - а) воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш;

- б) мурданинг ташқи кўринишини кўздан кечириш;
- д) объектларни кўздан кечириш;
- е) ҳужжатларни кўздан кечириш;
- ф) ҳайвонларни кўздан кечириш;
- г) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;
- ж) ҳодиса содир бўлган бўлмаган бино ва ҳудудларни кўздан кечириш.

2. Кўздан кечиришни ўтказилиш вақти бўйича дастлабки кўздан кечириш ва қайта кўздан кечириш ажратилади.

3. Кўздан кечиришнинг ҳажми бўйича асосий ва қўшимча кўздан кечиришга бўлинади [25, С. 72].

А.И. Деревянко ва В.И. Езикян каби муаллифлар томонидан кўздан кечириш тергов ҳаракатини турларга ажратиб таснифланиши ижобий жиҳат бўлиши билан бир қаторда, уларни бир-биридан ажратишда маълум қийинчиликларни ҳам юзага келтириши мумкин.

Дастлабки кўздан кечириш ҳодиса жойини ваколатли шахслар томонидан жиноят-процессуал кодексида белгиланган қоидаларига риоя этган текширув объектини дастлабки тарзда кўздан кечирилишидир [26, С. 133]. Такрорий кўздан кечириш – дастлабки кўздан кечириш малакали ўтказилмаган ва керакли натижаларни бермаган ҳолда ўтказилади [27, С. 194].

Шуни қайд этиш керакки, қайта кўздан кечириш жараёнида ишга алоқадор бўлган барча текширув объектлари ва ҳодиса шароитлари қайтадан, янада синчковлик билан ўрганиб чиқилади.

А.И. Деревянко ва В.И. Езикян каби муаллифлар дастлабки кўздан кечириш ва қайта кўздан кечириш ҳақида юқоридагига ўхшаш фикрларни илгари суриб, дастлабки кўздан кечиришни суриштирувчи ёки терговчининг берилган объектни биринчи текшируви сифатида, илгари кўздан кечиришдан ўтказилган текширув объектларини ҳар қандай кейинги текширишни қайта кўздан кечириш деб эътироф этишади [28, С. 72].

Мазкур фикрларни таҳлил этадиган бўлсак, дастлабки кўздан кечиришда текширув объекти ваколатли мансабдор шахслар (терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд, агарда текширув объекти тўғридан тўғри судга тақдим этилган ҳолатларда) томонидан дастлабки тарзда кўздан кечирилади. Бунда, асосан ҳодиса содир бўлган жой дастлабки тарзда кўзда кечирилиши мумкин.

Қайта кўздан кечириш одатда дастлабки экспертиза ноқулай шароитларда ўтказилганда, ҳодиса жойининг айрим қисмлари ёки баъзи объектлар бирон текширилмаганда ўтказилади.

Ушбу кўздан кечириш турида жиноят иши бўйича бирламчи маълумотлар олинади ҳамда жиноят ишини “иссиқ изи”да фош этилишига хизмат қилади. Шунга кўра, кўздан кечириш тергов ҳаракатининг ушбу тури энг асосий ҳисобланади. О.Я.Баев кўздан кечиришнинг асосийси, қоида тариқасида дастлабки кўздан кечиришдир [29, С. 78], – деб таъкидлайди.

Д.Б. Базарова ва И.Р. Астановлар қўшимча кўздан кечиришда илгари умуман кўздан кечирилмаган ёки лозим даражада тўлиқ кўздан кечирилмаган (тегишли техник-криминалистик воситаларни қўлламасдан ёки уларни қўллашнинг реал имконият мавжуд бўлмаган ҳолда кўздан кечирилган) айрим объектлар кўздан кечирилишини қайд этишган [30, С. 133].

А.И. Деревянко ва В.И. Езикянлар ҳам шунга ўхшаш фикрларни илгари суриб, кўшимча кўздан кечиришда текширув объектининг бир бутун сифатида олдин текширилган алоҳида элементлари текширилишини таъкидлашган [31, С. 72].

Фикримизча ҳам, одатда, ҳодиса содир бўлган жойнинг айрим жойлари, излар ёки ашёвий далиллар текширилмаган ёки етарлича ўрганилмаган бўлса, кўшимча кўздан кечириш зарурати юзага келади. Ушбу турдаги кўздан кечиришда биринчи текширувдаги бўшлиқларнинг ўрни тўлдирилади. Кўриб турганимиздек, кўздан кечиришнинг вақт бўйича ҳамда ҳажмига кўра турлари бир-бирига жуда яқин бўлиб, уларни бир-биридан ажратишда муаммолар юзага келади.

Кўздан кечиришнинг барча турлари ягона тамойилга асосан амалга оширилади. Мазкур тамойилга кўра ҳодиса содир этилган жойда кўп ҳолларда моддий из ва бошқа ашёвий далил сифатида жиноятчининг излари қолади ҳамда бу уларни кўздан кечиришни талаб этади [32, С. 155]. Кўриб турганимиздек, кўздан кечиришнинг қайси тури ўтказилишидан қатъий назар, иш бўйича далил тўплаш бирламчи аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, кўздан кечириш турларини кетма-кетлик билан ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказилиш вақтига кўра дастлабки ва қайта кўздан кечириш, улар ўз навбатида ҳажмига қараб: асосий ва кўшимча турларга бўлинади. Юқоридаги таҳлиллар натижасида кўздан кечиришнинг турлари бўйича қуйидаги муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди.

Дастлабки кўздан кечириш – кўздан кечириладиган объектни ваколатли мансабдор шахслар томонидан жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган қоидаларига риоя этган дастлабки тарзда текшириш тушунилади. Мазкур таъриф кўздан кечиришнинг ҳажмига кўра тури ҳисобланган асосий кўздан кечиришга нисбатан ҳам қўлланилади.

Кўшимча кўздан кечириш – дастлабки кўздан кечиришда объектнинг тафсилотлари тўлиқ ўрганилмаган, кўздан кечириш жараёнида бўшлиқлар, ҳаракатлар тўлиқ амалга оширилмаганда ўтказиладиган кўздан кечиришнинг процессуал тури ҳисобланади. Дастлабки ўтказилган кўздан кечиришда кўздан кечириш объекти тўлиқ ўрганилмаган тақдирда, ушбу объект кўшимча равишда кўздан кечирилади.

Қайта кўздан кечириш – объектни самарали кўздан кечириш учун бирламчи кўздан кечириш ноқулай шароитларда ўтказилганда, янги маълумотлар олишга эҳтиёж сезилганда, сифатсиз амалга оширилганда ўтказиладиган кўздан кечириш туридир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган кўздан кечириш тергов ҳаракатининг турлари бир-бирига ўхшаш ва фарқ қилувчи белгиларга эга. Уларнинг ўхшаш томонлари шундаки, терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи ва терговчи кўздан кечиришнинг ҳар бир турида содир этилган жиноят ҳодисаси ҳақида воқеликка тўғри келадиган маълумотларни асослайди. В.С. Мамонов тўғри қайд этганидек, терговчи шахсан ҳодиса юз берган жойдаги ҳолатларни бевосита кузатади, уларни ҳис қилади, эшитади, ўрганади ва баҳо беради. Бўлиб ўтган ўзгаришларни қайд қилади ва дастлабки тадқиқ жараёнларини олиб боради [33, С. 45].

Кўздан кечиришнинг аҳамияти бу тергов ҳаракатининг ўзига хос бўлган хусусиятлари билан боғлиқ [34]. Терговчи ҳодиса содир этилган жойда ҳақиқатдан ҳам жиноят содир этилган ёки этилмаганлиги ҳолати ва унга сабаб бўлган ҳолатларни аниқлаш бўйича тергов ҳаракатлари ўтказади.

Амалдаги қонунчилигимизда ҳам кўздан кечиришнинг ушбу турлари ҳамда уларни ўтказиш тартиби назарда тутилмаган. Суд-тергов амалиётида дастлаб ўтказилган кўздан кечиришда текширув объекти тўлиқ ўрганилмаган ҳолатлар юзага келмоқда.

Бундай ҳолатларда мансабдор шахслар кўздан кечиришни умумий қоидалардан келиб чиққан ҳолда ўтказмоқда. Бу эса, турли хил амалиётлар шаклланишига олиб келмоқда.

Мазкур масалада тадқиқот давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари ўртасида ўтказилган сўровномадаги *“Сизнингча, кўздан кечиришнинг қўшимча ва қайта ўтказиш асосларини ЖПК 136-моддасида аниқ белгилаш керакми?”* деган саволга унда иштирок этган 289 нафар респондентларнинг 81,7 фоизи *“Ҳа. Бу амалиётдаги муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.”* деган мазмундаги жавобни беришган [35].

Юқоридаги турли хил амалиётларга барҳам бериш ва кўздан кечириш тергов ҳаракатининг қўшимча ва қайта ўтказиш асосларини қонунчиликда аниқ белгилаш мақсадида кўздан кечириш тартибининг умумий қоидалари сифатида Жиноят-процессуал кодексининг 136-моддасини қуйидаги мазмундаги янги қисмлар билан тўлдириш таклиф этилади:

Дастлабки ўтказилган кўздан кечиришда кўздан кечириш объекти тўлиқ ўрганилмаган ёки унда бўшлиқлар мавжуд бўлса, у қўшимча равишда кўздан кечирилади.

Айнан бир объектни қайта кўздан кечириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

1) объектни самарали кўздан кечириш учун дастлабки кўздан кечириш шароити қулай бўлмаганда;

2) дастлабки кўздан кечиришдан сўнг янги маълумотлар олинганда;

3) дастлабки кўздан кечириш сифатсиз амалга оширилганда.

Тадқиқот давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари ўртасида ўтказилган сўровномадаги *“Қайта кўздан кечириш асослари сифатида қуйидагилардан қайсиларни киритишни лозим деб ҳисоблайсиз?”* деган саволга унда иштирок этган 290 нафар респондентларнинг 238 нафари (82,1 фоизи) *“объектни самарали кўздан кечириш учун дастлабки кўздан кечириш шароити қулай бўлмаган”* ҳолатни, 188 нафари (64,8 фоизи) *“дастлабки кўздан кечиришдан сўнг янги маълумотлар олинган”* ҳолатни, 146 нафари (50,3 фоизи) *“дастлабки кўздан кечириш сифатсиз амалга оширилган”* ҳолатларни қайта кўздан кечириш асослари сифатида киритишни ёқлаб овоз беришган [36].

Шунингдек, кўздан кечиришга оид процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳамда кўздан кечириш объектларини тўғри белгилаб олиш, кўздан кечиришни тўлиқ ва сифатли амалга ошириш уни ўтказувчи мансабдор шахслардан касбий кўникмаларни ҳам талаб этади. К.А. Алтухов ҳам кўздан кечиришни ўтказиш суриштирувчи, терговчи ва тергов гуруҳининг бошқа аъзоларидан касбий кўникмалар ва тажриба талаб этадиган мураккаб тергов ҳаракати ҳисобланишини қайд этган [37, С. 50 (49-51)].

Ҳақиқатдан ҳам кўздан кечириш иш учун аҳамиятли бўлган моддий объектларнинг ўзига хос хусусиятларини кузатиш орқали инсоннинг онгида текшириляётган объект ҳақида тасаввур пайдо қилишда намоён бўлади. Бу ҳолат ҳам мансабдор шахсларда ушбу ҳаракатни ўтказиш учун касбий кўникмалар мавжуд бўлишини кўрсатмоқда.

Юқорида келтириб ўтилган таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, жиноят процессида кўздан кечириш тергов ҳаракати объектлари ва турлари бўйича қуйидаги хулосаларни илгари суришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Кўздан кечириш ўтказиш учун жиноят изларини ва ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ҳамда ишни ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни (ҳодиса тафсилотлари ва унинг оқибатларини) аниқлаш асос ҳисобланади.

2. Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг объектларини аниқ белгилаш мақсадида Жиноят-процессуал кодексининг 135-моддасига кўздан кечириш тергов ҳаракатининг алоҳида объекти сифатида **“рақамли маълумотлар”** ҳамда **“транспорт воситалари”**ни киритиш мақсадга мувофиқ.

3. Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг турлари бўйича қуйидаги муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди.

Дастлабки кўздан кечириш – кўздан кечириладиган объектни ваколатли мансабдор шахслар томонидан жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган қоидаларига риоя этган дастлабки тарзда текшириш тушунилади. Мазкур таъриф кўздан кечиришнинг ҳажмига кўра тури ҳисобланган асосий кўздан кечиришга нисбатан ҳам қўлланилади

Қўшимча кўздан кечириш – дастлабки кўздан кечиришда объектнинг тафсилотлари тўлиқ ўрганилмаган, кўздан кечириш жараёнида бўшлиқлар, ҳаракатлар тўлиқ амалга оширилмаганда ўтказиладиган кўздан кечиришнинг процессуал тури ҳисобланади. Дастлабки ўтказилган кўздан кечиришда кўздан кечириш объекти тўлиқ ўрганилмаган тақдирда, ушбу объект қўшимча равишда кўздан кечирилади.

Қайта кўздан кечириш – объектни самарали кўздан кечириш учун бирламчи кўздан кечириш ноқулай шароитларда ўтказилганда, янги маълумотлар олишга эҳтиёж сезилганда, сифатсиз амалга оширилганда ўтказиладиган кўздан кечириш туридир.

4. Кўздан кечириш тартибининг умумий қоидалари сифатида Жиноят-процессуал кодексининг 136-моддасига қўшимча ва қайта кўздан кечириш ўтказиш асосларини киритиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Jinoyat-protsessual huquqi. Umumiy qism. Darslik. // Mualliflar jamoasi. // yu.f.d., dots. G.Z.To'laganova va yu.f.n., dots. S.M.Raxmonovalarning umumiy tahriri ostida –Toshkent: TDYU nashriyoti, 2017. – 226-bet.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 269-модда.

3. Jinoyat-protsessual huquqi. Umumiy qism. Darslik. // Mualliflar jamoasi. / yu.f.d., dots. G.Z.To'laganova va yu.f.n., dots. S.M.Raxmonovalarning umumiy tahriri ostida –Toshkent: TDYU nashriyoti, 2017. – 226-bet.

4. Jinoyat-protsessual huquqi [Matn]: darslik. – Toshkent: Complex Print, 2020. – 161-bet.

5. Лапин Е.С. Ошибки в понятиях и проведении следственных действий: монография/Е.С.Лапин. Москва: ИНФРА-М, 2020.156 с. (214 с.).

6. Криминалистика: Учебник. 2-е изд., доп. и перераб. / Под ред. А.А. Закатова, Б.П. Смагоринского. М., 2003. С. 129; Криминалистика / Под ред. А.Г. Филиппова. С. 212; Руководство по расследованию преступлений. М., 2002. С. 389.

7. Криминалистика / Под ред. А.А. Закатова, Б.П. Смагоринского. С. 129.
8. Белкин Р.С. Указ. соч. С. 152; Колмаков В.П. Указ. соч. С. 27; Криминалистика / Под ред. А. В. Дулова. Минск, 1998. С. 290-291; Учебник уголовного процесса / Отв. ред. А.С. Кобликов. М., 1995. С. 187; Криминалистика / Под ред. А. Г. Филиппова. С. 212.
9. Зеленский В. Д. Криминалистика: учебник / В. Д. Зеленский, Г. М. Мереутков. – СПб.: Юридический центр-Пресс, 2015. – с. 144
10. Jinoyat-protsessual huquq: Darslik / Yuridik fanlar doktori, professor M. A. Rajabova tahriri ostida (To'ldirilgan va qayta ishlangan uchinchi nashri). – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2021. – 183-bet.
11. Jinoyat-protsessual huquqi [Matn]: darslik. – Toshkent: Complex Print, 2020. – 161-bet.
12. Jinoyat-protsessual huquqi. Umumiy qism. Darslik. // Mualliflar jamoasi. / yu.f.d., dots. G.Z.To'laganova va yu.f.n., dots. S.M.Rahmonovalarning umumiy tahriri ostida –Toshkent: TDYU nashriyoti, 2017. – 226-bet.
13. Дворкин А.И. Осмотр места происшествия: Практическое пособие – М.: Юристь. – 2001 г. 336 с.
14. Волков А.С., Коссович А.А. Осмотр места происшествия при расследовании дорожнотранспортных преступлений: Методические рекомендации. – Саратов: СЮИ МВД России, 2010. – 76 с.
15. <https://stat.sud.uz/>
16. Сўровнома натижалари билан танишиб чиқиш учун иловага қаранг.
17. Sean E. Goodison, Robert C. Davis, and Brian A. Jackson. Digital Evidence and the U.S. Criminal Justice System – Identifying Technology and Other Needs to More Effectively Acquire and Utilize Digital Evidence. 2015. P. 45
18. Астанов И.Р., Хамидов Б. Общетеоретические вопросы связанные с электронными или цифровыми доказательствами: проблема и решение. Выпуск 2 7/S (2021): Спецвыпуск междисциплинарного электронного научного журнала «Общество и инновации». inScience.uz.
19. Сўровнома натижалари билан танишиб чиқиш учун иловага қаранг.
20. Белкин Р.С. Указ. соч. С. 152; Ищенко Е.П. Указ. соч. С. 128; Криминалистика / Под. ред А.Г. Филиппова. 3-е изд., перераб. и доп. М., 2004. С. 212.
21. Jinoyat-protsessual huquq: Darslik / Yuridik fanlar doktori, professor M. A. Rajabova tahriri ostida (To'ldirilgan va qayta ishlangan uchinchi nashri). – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2021. – 183-bet.
22. Базарова Д.Б. ва Астанов И.Р. Криминалистика ва экспертиза. Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ, 2019. – 133-бет.
23. Балашов Д.Н., Балашов Н.М., Маликов С.В. Криминалистика: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 503 с. – (Высшее образование). Адельханян, Роберт Артурович. Криминалистика : курс лекций : учебное пособие для студентов высших учебных заведений, обучающихся по специальности “Юриспруденция” Р. А. Адельханян, Д. И. Аминов, П. В. Федотов. ЮНИТИ-ДАНА. – 2015. – 92-94 с.
24. Базарова Д.Б., Астанов И.Р. Криминалистика ва экспертиза. Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ, 2019. – 134-б.; Kriminalistika. Darslik. Mualliflar jamoasi – Toshkent: TDYU, 2018. – 194-b.
25. Деревянко А.И., Езикян В. И. Криминалистика: Учеб. пособие / Юж.-Рос. гос. техн. ун-т. Новочеркасск: ЮРГТУ, 2007. – 72 с.
26. Базарова Д.Б., Астанов И.Р. Криминалистика ва экспертиза. Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ, 2019. – 133-б.

27. Kriminalistika. Darslik. Mualliflar jamoasi – Toshkent: TDYU, 2018. – 194-b.
28. Деревянко А.И., Езикян В.И. Криминалистика: Учеб. пособие / Юж.-Рос. гос. техн. ун-т. Новочеркасск: ЮРГТУ, 2007. – 72 с.
29. Баев О.Я. Криминалистика. Сборник задач и заданий. Под ред. Баева О.Я. – 2013. С.78.
30. Базарова Д.Б., Астанов И.Р. Криминалистика ва экспертиза. Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ, 2019. – 133-б.
31. Деревянко А.И., Езикян В.И. Криминалистика: Учеб. пособие / Юж.-Рос. гос. техн. ун-т. Новочеркасск: ЮРГТУ, 2007. – 72 с.
32. Аверьянова Т.В. и др. Криминалистика. Учебник для вузов / под ред. Р.С. Белкина. 2-е изд., перераб. и доп. М., Изд-во «Норма», 2005. -С 155.
33. Мамонов В.С. Уголовно-процессуальные и криминалистические аспекты осмотра места происшествия в современных условиях. На соискания кандидата юридических наук. Краснодар. 2008 г. 45 с.
34. Аверьянова Т.В., Белкин Р.С., Корухов Ю.Г., Российская Е.Р. Криминалистика. Учебник для вузов. Под ред. Р.С. Белкина. – М., 1999.
35. Сўровнома натижалари билан танишиб чиқиш учун иловага қаранг.
36. Сўровнома натижалари билан танишиб чиқиш учун иловага қаранг.
37. Алтухов К.А. Методика осмотра и уничтожения многотонной партии наркотиков // Уголовный процесс. №7. 2021 г. 50 с. (49-51 с).